

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокчию» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси Сотувда эркин нархда
1993 йил 10 август, сешанба № 147 (21.498).

МОСКВАДАГИ УЧРАШУВ: АССОСИЙ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ

Россия ва Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашуви энг муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди. Унда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги ҳозирги кескин вазиятни барқарорлаштириш йўллари белгилаб олинди.


Россия Федерацияси пойтахтидаги учрашувда қатнашган давлат бошлиқлари иқтисодий масалаларга бағишлаб учрашув ўтказиш зарурлиги ҳақида ҳамдустлик мамлакатларининг барча раҳбарларига мурожаатнома, МДХ чегараларининг дахлсизлиги ҳақида баёнотом, Тожикистон—Афғонистон чегарасидаги вазиятни изга солиш чоралари тўғрисида баёнот, Афғонистон билан чегарада вазиятнинг кескинлашгани тўғрисида БМТ Бош котибига Мурожаатнома қабул қилди.

Бунинг устига, муайян «демократик» кучлар Ислоом Каримовнинг учрашува келиши арафасида можаро чиқаришга уриниб кўрдилар. Бир қанча нашрларда Тоғли Бадахшон раҳбариятининг гапларига асосланиб, шов-шувга сабаб бўладиган янги хабар босилиб чиқди: Гўёки Ўзбекистоннинг белгилари туширилган ҳарбий самолётлар тоғдаги қишлоқларни бомбардимон қилётган, қуролсиз кишилар ҳалок бўлаётган эмши!

Бундай тўғрисида гапларни тўғрисида, одамларга тарқата олади,— деди Ўзбекистон Президентлиги Ислаом Каримов билан Нурсултон Назарбоев шу учрашув ташаббускори бўлгани ҳаммага маълум. Улар Алматида ҳамдустлик мамлакатларининг барча раҳбарларига Мурожаатнома қабул қилган эдилар. Россия, Қирғизистон ва табики, Тожикистон ҳам Мурожаатномада дарҳол жавоб қайтардилар. Туркияда ҳам ўзи ўтказилган сессиядаги аъёнана мувофиқ Москвага кузатувчи юбориш билан чекланиб, бетараф бўлиб турибди.

Авалгига кўпгина шарҳловчилар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Россия пойтахтига келишини навбатдаги учрашувлардан бири, бу учрашув МДХ ҳали ҳам мавжудлигини, собиқ Иттифоқнинг мустақил республикалар ўртасидаги муносабатларда аҳиллик кўзга ташланаётганлигини кўрсатишдан иборат бўлади, деб ҳисоблаган эдилар. Қураниб турибдики, бундай тахминлар асоссиз бўлиб чиқди.

Ханжирдан ҳам, кейин радия эълон қилинди. Тоғли Бадахшондаги қишлоқларни чиндан ҳам МИГ-21 самолётлари бомбардимон қилган экан. Марказий Осиё давлатларининг армиясида аса,



бундай самолётлар йўқ. Чамаси, Афғонистон ҳудудидан учиб келган самолётлар ҳужум қилган. Бундай самолётлар ўша ердаги аэродромларда бор. Россия пойтахтига Нурсултон Назарбоев бир кун олдин етиб келиб, Борис Ельцин билан унинг шаҳар ташқирисидида қаҳароқчида яқма-яқма суҳбат ўтказганини ҳам кўзга тушувчиларда натта қизиқиб уйғотди. Айрим кузатувчилар бундан Назарбоевнинг Россия бошлиғига таъйиқ ўтказиб, уни Марказий Осиё давлатлари томонига олиб чиқишни илтишди, деб ҳисобладилар.

— Бунга гап бўлган эмас,— деди Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда.— Москвада тўпланиш ташаббуси Борис Николаевнинг ўзидан чиққан. Музокара арафасида бўлиб

ўтган олий даражадаги учрашувимизга келганда эса, бунинг сабаби битта, яъни, Россия билан Қозғистон ўртасидаги икки ёқлама шартнома имзолаш эди! ..Еттичи август куни эрталаб, Ислоом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Кремлга келидилар. Борис Ельцин билан саялом-алиқанд сўнг уч давлат бошлиқлари Екатеринда даврида қурилган ҳақшамали мейхонхонага йўл олдилар.

— Имомали Раҳмонов қаерда, Аскар Акаев нега келмади?— деб ҳайрон бўлишар эди журналистлар. — Наҳотки улар учрашувга тақлиф этилмаган бўлса? Ярим соатдан сўнг бу саволларга жавоб олинди. Аскар Акаев билан Имомали Раҳмонов мутахассислар

ҳал этилишидан манфаатдор эди.

Имомали Раҳмоновга келганда шуни айтиш керакки, Тожикистондаги мураккаб сиёсий ва иқтисодий вазият бу республика раҳбариятига ҳеч қандай муноби йўл қолдирмапти. Рубль — Тожикистон учун бирдан-бир мақбул валюта. Унинг меъёрий муомалада бўлиши, ёки, жонз бўлса, мустақамлаштириш учун Тожикистонда мустақил равишда ҳозирча ҳеч нарсани қилиб бўлмайди. Бу республика ҳамдустликдаги қудратлироқ ва барқарор давлатлар изидан боришга мажбур бўлган. Унинг яқин қўшнилари — Ўзбекистон билан Қозғистон ана шундай давлатлардир. Уч давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида Борис Ельцин қисқача баёнот берди. Унинг мазмуни қуйидагича: Тожикистон—Афғонистон чегараси фа-

қат Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг эмас, айна пайтда Россиянинг чегараси ҳамдир. У ерда барқарорликка эришиш учун шу чегарадаги музоамлашувларнинг, яъни, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан бир стол атрофида ўтириб музокара бошлаш зарур. Тожикистон раҳбарияти ички муаммоларни сиёсий йўл билан, биринчи навбатда муҳолиф кучлар билан мулоқот бошлаш йўли билан ҳал этиши лозим. Лекин, Россия бошқа барча манфаатдор мустақил республикалар каби чегарани мустақамлаштириш, одамларнинг ҳалок бўлишига ва қон тўналишига йўл қўмаслигини керак.

Ҳозир Россия пойтахтидаги учрашув муваффақиятли ва самарали бўлди, деб ишонч билан айтиш мумкин. МДХ давлатлари бошлиқларининг амал қилмаётган юзлаб ҳужжатлар қабул қилинган кенгайтирилган мажлисларидан фарқи ўлароқ, бу ерда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Бу қандай йўналишлар?

— Москвадаги учрашув Тожикистон муаммоси ҳамда унинг Афғонистон билан чегарасидаги кескин вазият доирасидан анча ташқирига чиқиб кетди,— деди Ислаом Каримов.— Биз иқтисодий масалаларга катта эътибор бердик. Энг муҳими шунданки, барча давлат бошлиқлари ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш учун раҳбарларнинг мулоқоти яқин бўлиши керак. Афғонистонда мувофиқ йўл қўймаслик мақсадида шовинчи чоралар кўрилиши кутилмади. Шунингдек, улар минтақадаги барча мамлакатлар тинчлик жараёнига кўмаклашадилар, шу жумладан қуролли тоқиб муҳолифатини хуррезликини тўхтатишга ва амалий мулоқот бошлашга дэват этидилар, деб умид қилдиладилар. Улар ана шу мамлакатлар билан баҳамжиқат ҳаракат қилишга ва можарони тинч бартаф этиш йўллари тўғрисида музокара олиб бориш учун ўзларининг махсус авкиларини юборишга тайёрдилар.

Беш давлат бошлиқлари бу сая-ҳаракатларини Бирлаш-

деб ишотирди. Лекин, бу— биз ўз миллий валюта- мизга ўтмаймиз, деган гап эмас. Бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда. Лекин, Ўзбекистон ҳам Қозғистон каби ўз валюта- сини жорий этиш учун зарур шароитни яратгани йўқ. Шопма-шопарлик билан ҳаракат қилишга не ҳожа? Ахир, бундай ҳаракат дарҳол миллионлаб одамларнинг тақдирга таъ- сир этади-ку!.. Биз уч мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳам- корлик йўллари белги- лаб олдик. Лекин, бундан рубль зонаси эвдиликда ҳамдустликнинг бошқа республикалари учун баъ- рийнбо қўйилди, деган маъ- но чиқмайди.

Энди Тожикистон муам- моси ҳақида. Бу муам- мо бугун минтақа- вий эвдиликдангина ибор- ат эмас. Гарчи чегарада давом этаётган бўлса ҳам, бундай шароитда урушга йўл қўйиб бўлмайди. Фа- қат муҳолиф кучлар ҳамда қўшни давлатлар раҳбар- лари билан сиёсий муло- қотина «Жафокан тоқиб диёрида тинчлик бўлади- ми ёки йўқми?» деган ҳа- лий муаммо саволга жавоб бериши мумкин.

...Шундай қилиб, Мос- квадаги учрашув тугади. Учрашувда қатнашган дав- лат бошлиқларининг тақ- дирига биноан Россия пой- тахти етилган иқтисодий масалаларни ҳал этиш, меъёрий ва маърифий ҳамкорликка эришиш учун еттичи сентябрь кунини ҳамдустлик мамлакатлари раҳбарларини кутиб олиш- га тайёрдир. Ҳозир бун- дан бошқа йўл йўқ, були- ши ҳам мумкин эмас!

Л. ЛЕВИН,
ЎзА махсус мухбири.
Москва.

Суратда: уч йирик дав- лат: Ўзбекистон, Россия ва Қозғистон раҳбарлари учрашууда.

А. ГИЕСОВ олган сурат. (ЎзА).

ҚОЗҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ

МУРОЖААТНОМАСИ

Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқлари 1993 йил 7 августда Москвада кенгаш ўтказдилар.

Кенгаш қатнашчилари вази- ат жиддий равишда чиғалаш- ганидан қаттиқ ташвишланёт- ганликларини билдирдилар. Тожикистоннинг муҳофази ва бошқа ҳарбий хизматчилар кўплаб ҳалок бўлаётгани алоҳида ташвиш уйғотмоқда.

Давлат бошлиқлари қуйида- гиларни маълум қилдилар:

1. Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлатлар ҳамдустлигининг асосий ҳужжатларига ҳам-

да Тожикистон Республикаси билан икки томонлама битим- ларга амал қилган ҳолда, То- жикистон - Афғонистон чегарасини МДХнинг умумий че- гараси, деб ҳисоблайдилар.

2. Тожикистон - Афғонистон чегарасида хавфсизлиكنи таъ- минлаш юзасидан барча зарур ва шовинчи чоралар кўри- лди ҳамда шу мақсадда чегара- ни қўриқлаётган ҳарбий куч- лар Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбе- кистон чегара қўшинлари ва қуролли кучлари таркибидида бўлиналар билан кучайтири- лди.

3. Тожикистон Республикаси- га қўшимча равишда ҳар- бий, иқтисодий ва инсонлар- варлик ёрдами берилади, шу- нингдек, ўз давлатининг мус- тақиллиги ва ҳудудий яхлит- ларини ҳимоя қилишни муста- қил равишда таъминлашга қо- дир бўлган миллий қуролли куч- лар ва чегара қўшинлари- ни теъдорлик билан барпо этишда кўмаклашадилар.

4. Ташқирдан қуролли ҳу- жум давом этаётган тақдир- да, МДХ мамлакатларининг коллектив хавфсизлиги тўғри-

ТОЖИКИСТОН—АФҒОНИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТНИ ИЗГА СОЛИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА БАЁНОТ

сидаги шартноманинг қонда- ларига, Тожикистон билан икки ёқлама битимларга, шунинг- дек, БМТ Низоомининг 51-мод- дасида кўзда тутилган ўзини яқма ва коллектив муҳофаа қилиш ҳуқуқига мувофиқ ра- вишда бу ҳужумларга чек қў- йиш юзасидан тегишли жавоб чоралари кўрилади.

5. Можарони сиёсий йўл билан бартаф этиш асосий йўл бўлиб қолаверди. Кен- гашда қатнашадиган давлатлар шу йўл билан можарони бар- таф этиш мумкин, деб ҳис- соблайдилар ва унда фвал иштирок этишга тайёрдилар.

ган Миллатлар Ташкилоти ва Европада Хавфсизлик ва ҳам- корлик кенгаши қўллаб-қувват- лашга, жумладан Тожики- стон-Афғонистон чегарасига БМТ кузатувчиларини юбори- шига ҳамда Тожикистонга одамийлик ёрдами ва техника билан ёрдам берилишига умид қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари МДХ- га ёзган бўлган бошқа давлат- ларни можаро оқибатларини тугатишда Тожикистонга ёрдам беришга қақирадилар.

Қозғистон Республикаси Президентлиги Нурсултон НАЗАРБОВ

Қирғизистон Республикаси Президентлиги Аскар АКАЕВ

Россия Федерацияси Президентлиги Борис ЕЛЬЦИН

Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали РАҲМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Ислаом КАРИМОВ

ЧЕГАРАЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТНОМА

Мазкур баёнотномадан имзо- ланган давлатлар, ўзларининг БМТ Низоми ва Европада Хавф- сизлик ва ҳамкорлик кенгаши принципларига, шунингдек, Мустиқил давлатлар ҳамдуст- лигининг муҳим ҳужжатлари- га содиқлигини тасдиқлаб, давлатларнинг ҳудудий ях- литлиги ва чегараларининг дахл- сизлиги халқаро муносабатлар- да асосий омили эканлиги ҳам- да уларга риоя қилиш халқлар ўртасида тинчликни, хавфсиз- ликни, барқарорликни сақлаш- нинг муҳим шерти эканлигини таъкидлаб,

2. Мазкур баёнотномага им- зо чеккан давлатлар ўз чегар- аларига қилинган ҳар қандай тажовузорлик ҳаракатини қўриқувчи ҳаракат деб ҳис- облайдилар. Бундай ҳаракат- лар халқаро ҳуқуқ қондалари- га асосан ўзини яқма ёки кол- лектив ҳимоя қилиш мақсади- да, жумладан, қуролли куч

қўллаб тегишли жавоб чора- ларини қўришга асос бўлади. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар ҳар бири- нинг ҳудудига ташқирдан бос- тириб киришга уринишларга биргаликда чек қўядилар ва зарба берадилар.

3. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлар ўз ҳудудларида ҳар қандай шахс, гуруҳ ёки ташкилот- ларнинг шу давлатлар чегара- ларининг дахлсизлигини бу- зишга қаратилган ҳаракат- ларининг олдини оладилар ва бундай ҳаракатларга зар- ба берадилар.

4. Мазкур баёнотномага им- зо чеккан давлатлар бошқа давлатлар билан умумий че- гаралари дахлсизлиги учун биргаликда жавобгардирлар. Шу билан бирга, мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатларнинг биронтаси ик-

кичи давлат чегараси хавф- сизлигини бир томонлама таъ- минлаш мажбуриятини ол- майди.

5. Мазкур баёнотномага им- зо чеккан давлатлар барча манфаатдор томонлар иш- тирокчида музокаралар йў- ли билан чегаралардаги қу- ролли можароларнинг олди- ни олиш ва тўхтатиш йўл- ларини излашга тайёр экан- ликларини билдирдилар.

6. Мазкур баёнотномага имзо чеккан давлатлардаги икки барқарорлик уларнинг чегараларида хавфсизлиكنи таъ- минлашнинг зарур шарти-

дир. Шунинг учун бу дав- латларнинг ҳар бири бундан кейин ҳам икки ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш негизда жа- миятнинг демократик асос- ларини мустақамлаш, мил- лий тотувликка эришиш ҳу- қуқига зарур чора-тадбир- ларни амалга оширадилар.

Қозғистон Республикаси номидан Нурсултон НАЗАРБОВ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби жаноб Б. БУТРОС ҒОЛИЙга

Мухтарам Бош котиб жа- ноблири!

Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазият гоят кес- кинлашгани сабабли сизга му- лима қилмоқдамиз. Иш Бир- лашган Миллатлар Ташкилот- ининг аъзоси бўлган мустиқил давлат — Тожикистон Респуб- ликасининг ҳудудига кенг қо- ламда ҳужум қилишга бо- ришга асос бўлмоқда. Сунгги пайтда Афғонистон ҳудудидан чегар- ани ёриб ўтиш ва Тожики- стонда қуролли можарони авж олдириш мақсадида ҳарбий операциялар ўтказилмоқда. Тожикистоннинг ҳудудига қурол қуватлаётган айрим афғон қуролли гуруҳларининг ўқ- қотиши ва ҳужуми натижасида тинч аҳоли орасида қурбонлар қўйилмоқда. Тожикистон дав- лат чегарасини қўриқлашда иштирок этаётган аскерлари- миз ҳалок бўлмоқда.

Қозғистон Республикаси ташиқ ишлар вазири Т. СУЛЕЙМОНОВ

Қирғизистон Республикаси ташиқ ишлар вазири Э. ҚОРАБОВ

Тожикистон Республикаси ташиқ ишлар вазири Р. ОЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси ташиқ ишлар вазири С. САИДҚОСИМОВ

ХДП ҳаётидан

ҲАЁТ ТАЛАБ ҚИЛГАНИДЕК

Мустақил Ўзбекистон мафкураси қандай бўлиши керак? Унинг замида қандай ғоялар ётибди? Қашқадарё вилояти партия кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатига ана шулар ҳақида фикр юритилди.

— Миллий истиқбол мафкурасини яратиб Президентимиз, партиямиз раиси И. А. Каримов томонидан Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида ва республика таниқли шоир ва ёзувчилари билан учрашувда илгари сурган ғоялари эди, — деди давра суҳбатни бошлаб берган ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов. Унинг принциплари юртбошимиз асарларида яққол кўрсатиб берилди. Мафкура қисқа муддатда яратилганидан нарсасиз эмас. Бу вақтин, ҳаёт талабига қараб чуқур мушоҳада қилишни талаб этган давр.


Авалло мафкура ўзи нима деган саволга жавоб берайлик, — деди Қарши давлат дорилфунуни профессори, фалсафа фанлари доктори А. Чориев. — Бу адолатли, инсонпарвар демократик жамиятнинг яратилиши осон эмас. — Ҳозирги пайтда иқтисодни яратиб беш масала бўлиб турибди. Бир сўз билан айтганда иқтисод ҳар қандай мафкурадан устун бўлмоғи лозим.

Жамиятнинг ривожланиш босқичида инсон туради. У ватан, мустақиллик руҳини сезганига ўшанда келажак учун кураша олади. Боқимандилик кайфиятидан воз кечиб, давлат бойлигига бойлик қўшади. — Мафкуранинг куч-қудратини ҳеч қачон унутмаслик керак, — деди қасба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг ўринбосари У. Мелентев. — Ҳозирги пайтда одамлар орасида меҳр-оқибат, қадимий урф-одатлар, қадриятларни тиклашдан кўра муҳимроқ иш йўқ.

Бахс мунозарасига айлана кетган давра суҳбатига «Қаршистрой» бирлашмаси партия кенгаши котиби А. Оленов, вилоят ҳокимлиги бўлим мудирини Н. Улжабоева, ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. Жаббаров ва бошқалар мустақиллик мафкурасини яратиб юзасидан қимматли фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлади.

Муса КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ



ТУЛПОР МИНГАН ОЛИСНИ КЎЗЛАР

Анвар Аҳмедов бир соатдан кейин тантанали очилган янги консерва заводи цехларини яна бир бор кўздан кечиришни лозим кўрди. Қурилиши 11 ярим миллион сўмга тушган корхона олд устунларига қизил шойи тасма (лента) тортилган эди. Уни Тошкент вилояти ҳокими Сайфулла Сайдалев билан бирорта меҳнат фахрийси — оқсоқол қирқичи керак, ҳабибдан ўтказди у. Йиллик қуввати 5 миллион шартли банка ишлаб чиқаришга етарли 484-механизацияланган кўча колонна бошлиғи Ортық Дўстматовни албатта йиғилганларга таништириш лозим.

Умуман, имкониятдан зиёд иш қилганларни ҳамма рағбатлантириб боришни йўлга қўйиш даркор. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида бўлиб ўтган ярим йиллик иш якунларига доир йиғилишда юртбошимиз «Замон билан ҳамқадам бўламан» деган раҳбарнинг вазифаси — одамларга ишлаш, даромад қилиш учун шароит яратиш бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини ошириш деган гапни бежиз таъкидламади. Ҳўш, ҳўжалик раҳбари сифатида мен бу вазифани қандай уaldasдан чиқаяман? Ҳў йил аввал раҳбар бўлиб келганимда Гагарин номи совхоз-заводи давлатдан 5 миллион сўм қарздор эди. Айни пайтда 39 миллион сўм фойдага эгалик қилгандим.

Қарздан қутулиш учун илоҳотнинг мураккаб талабларига ҳўзиржавоб бўлиш йўлини таллади. Бунга партия ташкилотимиз ҳам бажонидил қувватлади. Ҳўжаликка Улуғбек номи берибди. Мева, узум етиштириш, сотиш режалари охири бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан уни қайта ишлаш тармоғига ўта бошладим. Вино заводи маҳсулот айланиб бошлашда жуда асосли эди. Кичик корхона қўлайтирди. Ёшиқ заводи, қандолатчилик цехи, «Маза» ва «Нафис» кичик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қўйилли, халқ истеъмоли молларини ишчи-хизматчиларимиз сўюб харид қилмоқда. Ҳў сармоғимиз ҳисобидан қурилатган 70 ўринли шифохона шу йил декабрда, 720 ўринли мактаб 1 сентябрда битказилади. 910 нафар ўқувчи таълим олади.

гуси йилда очилади. Кейин коньяк цехи қурамади... У соатига қараб, шойилиб ичкари кирди. Цехларда дастлабки маҳсулотлар идишларга жойланиб қопқори бенилаётган эди. Тизимдаги ишлардан кўнгли тўлиб, ошпазлар томон юрди. Завод битиши муносабати билан ҳўжалик аҳлини бир ошам ошта тақлиф қилган, ош-шўй баҳона узлар биров чўчқиларини езишар деб ўйлаганди. Дарахтлар соҳибга қўйилган қаровотда қариялар кўр тўниб ўтиришарди. Узлар кўнглидек ошпоқ дастурхонларини ҳўжаликда етиштирилган мева-сабзавотлар кичик корхонада тайёрланган пашмак, ҳўла, мўмоси каби ширинликлар беэаганди. Шу пайт қўтилган раҳбарлар келиб

РЕПОРТАЖ

қўчили. Вилоят ҳокимига вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Шўхрат Муҳаммаджонов, Зағнота тумани ҳокими Жўмил Маликов, туман партия кенгаши биринчи котиби Тўлқин Файзиев ҳамроҳлик қилишарди. Узлар тўғри янги корхонага бошланиш тақлиф қилишди. Тизимдаги ҳар бир иш, 40 нафар ишчининг айримлари билан танишилди. Кўрғазмага қўйилган олма, ўрик, гилос, олаҳўри компотлари, гилос, ўрик, қўлпўнай мураббалари, узум баргидан тайёрланган консервалар кўзни қўвонтиради.

— Шу ишларни биринчи бўлиб партия эъзоси қилмаса яна ким қилади, ахир, — қўшиб қўйди у. Шу кўринишда у зоқ сафарга отланиб, тулпор минган чавандозга ўшаб кетарди. Дастурхон атрофида тулпанганимизда қариялар қаватидан кимдир микрофон орқали энг эзогу ишларга оқ фотиҳа берди...

даврдa ҳўриж билан алоқа қилмаган меҳнат жамоаси ҳеч нарсасга эриша олмади. Туманимизда айни пайтда Туркия, Америка, Чехословакия ва бошқа мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳамкорликда бешта кўшма корхона ишлаб турибди. Ҳадемай, яна иккита шундай корхона хизмат кўрсата бошлайди. 52 та фермер ҳўжалиги шу йилнинг ўзидa 233 тонна сабзавот, 25 тонна картошка, 104 тонна гўшт, 330 тонна сутни давлатга топширади. Булар ёмон кўрсаткич эмас.

Тайёр маҳсулотларни кўздан келтирган вилоят ҳокими ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. — Финляндияга борганимизда қиш фасли бўлишига қарамай, худди янги узылгандек қўл меваларни дастурхонага қўйишган эди, — деди у. — Шундай юмушларни нима учун бизда қилиш мўмкин эмас? Масалан, айтайлик, гилос, қўлпўнай, шафтоли, ўрик каби ҳўл меваларни зоқ вақт сақлайдиган маҳсулотчилик қуришга киришиш керак. Вилоятда картошка етиштириш қўлайлигини ҳисобга олсак, уни қуриштиш муаммоларини ҳал қилишга тўғри келади. Кичик корхоналарнинг қўйлаб қурилиши эса биринчидан, қўшнмча иш ўринларини яратиш, иккинчидан қамеб маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконини беради.

Улуғбек номи давлат ҳўжалиги-заводи директори Анвар Аҳмедов туман бўйича йиғилган ҳўжаликлар раҳбарлари синари ён дастурхона нималаридир қайд қилди. Сал келтириб, «ҳўким айтган маҳсулот совутич бизда ҳам қурилади» деди жиддий. — Шу ишларни биринчи бўлиб партия эъзоси қилмаса яна ким қилади, ахир, — қўшиб қўйди у. Шу кўринишда у зоқ сафарга отланиб, тулпор минган чавандозга ўшаб кетарди. Дастурхон атрофида тулпанганимизда қариялар қаватидан кимдир микрофон орқали энг эзогу ишларга оқ фотиҳа берди...

Абдунаби МАННОПОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Янги консерва заводидан сурат-лавҳалар. Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик, фахрий чароғбон, республика энергетика тизимини асосчиларидан бири, қарий чорак аср ушбу тармоққа раҳбарлик қилган йирки ташкилотчи олим Азиз Ҳакимовч Ҳамидов 75 ёшга тўлди.

Бир суҳбат чоғида Азиз Ҳакимовч мутахассисга, раҳбарга хос фазилатларни санаб ўтган эди: корабталлик, янги профессионализм, ўз зиммасидаги, жамият олдидаги масъулият, жавобгарлигини теран идрок этиш, ҳалоқлик, маслак-этиқодини дахмат турши, ўзига ва қўл остидаги одамларга талабчанлик, айни вақтда одамгарчиликни унутмаслик, эзогу орзуларини ушлаши йўлида белбоғни боғлаб қилинадиган меҳнат...

Хуллас, Ваҳоддин Нақшбанд айтганларидек. «Дил ба ёру даст ба кор», яъни Кўнгли ёрда-ю қўл ишда! Устоз умр бўйи шу ҳикматга амал қилиб келмоқда. Бугун, Азиз аки таваллудининг 75 йиллиғи арафасида у сув ичган булоқларни ёдга олиш ўринли бўлар. Муҳтарам юбиларимиз техника зўбиларимиз қирқинчи йиллар бошида қамолга етган авлодга масъуб. У тенглар уруш қаҳатчилигини ҳам кўрди, иссиқ-сувуқни табиб, ҳаёт доққозонида обдон ишган. Ҳозир етмиш ёшдан ўтиб кетган қариялар давр елкаларига қўйган юкни мардоналик билан кўтардилар.

Азиз Ҳакимовч қалбига чароғбонлик меҳрини ҳаётнинг ўзи солди, деб айтишни мўмкин. Бунга барча далил-исботлар бор. У ўрта Осиё индустриал институтининг энергетика факультетининг оstonасини ҳатлаб ўтар экан, дилида ешик хотиралари жонланди: ўзининг она қишлоғи Қатагон Сарой, кечалари лампа чироқ ёқиб ўтиридиган ёш қарилар. Шаҳар қонадонларида ҳам яқкам-дуккам учрайдиган электр лампочкалар...

Ва биринчи ўзбек нури муҳандис раҳматли Саид-оқилдон Саидхўжаевнинг фазли ҳеч қачон... У тўнчи муҳандисимиз билан дастлаб ўзининг жаннатмакон боғида учрашганини, у энергетикага меҳри тушган Азизга оқ фотиҳа берганиди. Уруш йиллари Азиз Ҳа-

ЧАРОҒБОН

корхоналарни жойлаштириш, энергия билан таъминлаб, зудлик билан ишга тушириб юбориш керак. «Набел», «Электротехника», «Электродинамик», «Ростельмаш» сингари йирки заводлар кўч-кўрнони, ускуна-ю дастгоҳи, ишчи мутахассис билан келган. Булардан чиқадиган ўқдор, қурол-яроғ — хуллас, мамани маҳсулотларга фронт маҳтал бўлиб турибди. Ўзбекистон халқи ва ҳўкуматининг давлат тошпирини аударди. Бунда Азиз акининг ҳам салмоқли улуши бор. «Қизил Вайроқ» ордени ўша даврдан эсдалик бўлиб қолган.

Фарҳод ГўСни қурилиши неча юз миңлаб одамлар қатори Азиз Ҳакимовч учун ҳам сийов майдонга айланган. Бу қурилишда халқнинг мардона руҳи намойи бўлди. Ҳашарнинг қадимий айнавалари яна ҳам ёрқинроқ кўринди. Баъзан қаҳратон совуқ, баъзида жазирама иссиқ эди, ношу насоба етишмас эди. Қурувчилар ертўллаларда, омонатгина қурилган қўбаларда яшашиларди. Ушбу қурилишга Ақоп Абрамович Саркисов (у тажрибали ҳўжалик ходими эди) ва ёш, гайратли партия ташкилотчиси Азиз Ҳакимовч Ҳамидов бош бўлдилар. Шундан кейин у турли

лавозимларда ишлади. Ўзбекистон қосмолига бошчилик қилди. Бир неча йил мобайнида илм соҳасида қамарбаста бўлиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институтида аввал катта илмий ходим, кейинчалик умумий энергетика секторининг мудирини бўлди. Расул Ҳамзатовнинг «Кўнгли тоғлардан, тоғларда кўнглим», деган сатри ҳам-

қуриб, эҳтиёжни аста-секин қондириш керак. Бу уларга жуда қўлай эди. Ахир, ортиқча қучанишнинг нима кераги бор? Маошларини олиб туришибди, муқофодан ҳам қишқайтгани йўқ. Таъбир жоиз бўлса ақд даққилигининг пайини қирқиб керак эди. Ҳамидов ишчи худди шундан бошлади. Тармоқнинг айрим етакчи мутахассислари, жумладан доцент Оранский ҳам вазирдан ўналмаб, маслаҳатчи лавозимини тарк этди...

Яқинда япон мутахассислари Ўзбекистонда бўлишганида, бизнинг энергетика тизимимиз ҳақида гапириб, бундай мукамал тизим жаҳонда кўп эмаслигини таъкидлашди. Ҳа, унинг ёшликдаги орзулари рўёбога чиқди. Шу маънода уни беармон одам десак арзийди. Энергетиканинг равақли туфайли юзлаб, миңлаб малакали ишчилар, мутахассислар ўсиб етишди. Билмили, малакали миллий кадрлар тобора қўлаймоқда. Бунда ҳам Азиз Ҳамидовнинг хизматлари катта.

Юртбошимиз энергетиканинг равақи ҳақида алоҳида гап-хўриқ қилмоқда. Ҳўкуматимиз қарорлариди, иқтисодийимиз, шу жумладан энергетикамизнинг таррақийёт уфқлари белгилаб берилган. 1995 йилда мамлакатда 60 миллиард килловат-соат электр энергияси ҳўсил қилиниши керак. Айни вақтда халқ ҳўжалигига энергиянинг тежаб-тергаб ишлатилишига эришмоғимиз лозим. Бу мураккаб вазибаларни адо этишда кечасавол ортирган тажриба, улар берган сабоқ жуда асослидир.

Замрa НЁЪМАТОВА, Ўзбекистон Республикасининг Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги бошқаруш тизимини автоматлаштириш корхонасининг директори, иқтисод фанлари номзоди.



Бора-бора тармоқдаги техника сийбати белгилаб олинди. Бу — қувватларни ҳар жиҳатдан ошириб бориш йўли билан Ўзбекистоннинг ягона энергетика системасини бунёд этиш, ёппасига электрлаштиришнинг амалга оширишнинг иборат эди. Шундай қилиб, йирки иссиқлик электр станциялари қурилиши устивор соҳа деб белгиланди. Республика эҳтиёжларини қондириш учун зарур қувватлар яратилган даврада, катта ишонч билан тоғ дарёлари энергиясини мадал ўзлаштиришга киришиш мўмкин бўлар эди.

70-йилларда қуввати 600 миң килловатли Чорвоқ ГўСни, 165 миң килловатли Ҳўжакент ГўСни ишга туширилди. Оби-ҳаёт минтақадаги далалар ва боғу роғларни сугорди. Дарёларнинг энергиясини республика энергиясининг умумий оқимига қўшилди. Айни вақтда Сирдарё ГўСида илгари республикада мисли қўрилмаган қўдратли блоклар бунёд этилаверди. Шундай қилиб,

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЭЪАДИЛАР

БИЗДА БЕГОНАЛАР ЙЎҚ

Маълум бўлишча, Самарқанд вилоятининг нафардан ортиқ корейлар ўша-ларини ҳеч ҳам беғона қилишмайди. Чўки бу ерда фаолият кўрсатаётган «Боминрен» корей жамияти маҳаллий идора ва ташкилотлар билан мўстакам алоқа ўрнатган.

Мен КХДРдан келиб болаларга корей халқ рақсини ўргателман, — дейди Ли Нам Чев. — Шуниси қизиқки, тўғра-раққа бошқа миллат вакиллари ҳам ташир бу орийишмоқда. Самарқандликлар дўстлик визити билан бизнинг юртга бориб келишди. Биз эса бу афсонавий шахарнинг тарихини зўр қизиқиб билан ўрганимоқдамиз. Айтгандай, ҳўзир самарқандлик бир гуруҳ болалар Кореяда таълимни ўтказишмоқда.

ТЕЖОҒЛИ ИШ...

Бозор муносабатлари корхоналарнинг, бирлашма ва идораларнинг доимо бир-бири билан алоқанда бўлиб туришини тақозо этади. Айниқса Ҳамидустлик мамлакатларидаги шериклар билан ўз вақтида боғланиш ишнинг тақдирини ҳал қилиш мўмкин.

Ана шунини ҳисобга олган Самарқанд шахар ва шаҳарларора бирлашган телефон станцияси, марказий сўзлашув пунктида кеча-кундуз давомиди ишлайдиган ҳамда жамоа бўлиб фойдаланиладиган факс алоқаси йўлга қўйилди.

Факс алоқаси орқали бюротмчилар исталган ҳўжат ва ёзув-чизувларни Мустақил ҳўмадустлик мамлакатлари ёки дўненинг бошқа давлатларига тез ва осон етказиши мўмкин. Шунингдек, шахарда телеграф хабарларини қабул қилиш ва қўлайтириб тегишли туманларга етказиш хизмати ҳам жорий этилди. Натижанда қўйлаб идораларда кун бўйи телефоноварма узатиш вақти тежеладиган бўлди.

Фармон ТОШЕВ.

Advertisement for 'Биз Ким, Мулки Турон...' featuring a logo and text.

МЕҲНАТГА ҚАНДАЙ ҲАҚ ТўЛАНДИ?

АЛМАТИ. Қозоғистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф — малака дастури жорий этилмоқда. Ана шу дастурга қўра ҳўли супурувчи фаршондан тортиб, йирки завод, иштутит, Давлат концерни раҳбаригача бўлган қарийб 7 миң касбкор номи разрядларга бўлиб жамланган.

ТАКОМИЛЛАШГАН АЛОҚА ВОСИТАСИ

АЛМАТИ. Қозоғистоннинг Касбий бўйидаги нефть корхоналари билан телефон алоқасини ўрнатиб фикри бундан 20 йил муқаддам турган эди. Уша пайтда СССР нефть саноати министрлиги ўзининг бўлимларини ўша даврининг замонавий техникаси билан жиҳозлаган эди.

Бугунги кунга келиб 1350 километрли махсус телефон алоқаси йўли Уралск — Атирау — Ақтов оралиғида ачинарли аҳволга тушиб қолди.

Алоқачилар ҳўриж мижозларига бу ҳақда мурожаат этилди. Туркиянинг «Неташ» ва «Телеташ» фирмалари қизиқарли тақлиф таъйинлашди.

Япониянинг «Дек» концерни ҳам жуда бошқача янги услубни тақлиф этмоқда. Бунинг учун кабель симлари ишлаштирмайди. Ҳар 50 километрли оралиқда баландлиги 70 метрли прёмьни — узаткилар билан жиҳозланган миноралар ўрнатилди. Кейинги лойиҳа бир мўнча арзонга тушди.

МИЛЛИЙ КИНО ИСТИҚБОЛИ

ДУШАНБЕ. Республика кинематографчилар уюшмаси ташкил этган курултойдa тожик киносининг тақдирини ҳақида гап борди.

Зиммасида тушган ҳар қанлай қийинчиликка қарамай миллий кино яшамокда ва унинг истиқболи порлоқ, деб баралла айта оламиз, — дейди бу иккидир ташкилотнинг раҳбари Анвар Тўраев.

Курултои катнашчилари диққатига кейинги икки йил ичида яратилган 20 га яқин кинолента тасвиқ этилди. Улар орасида С. Раҳимзоданинг «Ганур узра юлдузлар чарақлайди» фильми ҳам бор.

ПАХТАКОРЛАР МАШАҚҚАТИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон қишлоқ ҳўжалиги вазири Ҳабибулло Табрионинг айтишича, бу йил пахта ҳўсийида яхши умид қилиш мўмкин. Унинг таъкидлашича барча майдондаги экзилан чўйитилган 75 фоизи яхши ундириб олиномоқда.

Пахтакорлар бу йил 800-850 миң тонна оқ олтин етиштиришни белгилаганлар, — дейди вазир, — бу ўтган йилга қараганда бир мўнча кўпдир. Ҳўсий учун минерал ўғитлар, ёнгли ва эҳтиёт қисмлар етиштирилган эди. Бундай муаммони ҳал этишда қўшниларики яқиндан ёрдам бермоқда. Масалан, яқинда, республика Ўзбекистондан минерал ўғитларнинг дастлабки партиясини олди. Тожикистонга бу маъсумда Ўзбекистоннинг бешта химия заводидан 145 миң тоннадан зиёд ўғит олинди.

«ОЛМОС» СТУДИЯСИ ЭФИРДА

БИШКЕК. Минтақавий тўлқинда «Олмос» янги радиостанцияси пайдо бўлди.

У кунига беш соат эшиттиради, 226 метрли, ўрта тўлқинда эфирга чиқади. У Қирғизистоннинг шимолий қисмини тўлиқ қамраб олади. Эшиттиришлар қирғиз ва рус тилида олиб борилади. Қирғизистондаги бошқа халқларнинг тилларида ҳам эшиттиришлар режалаштирилган. Маданият фонди бу студиянинг таъсисчиларидир. Студияда шпалти ходимлар ҳам ишлайди. Кўпчилик жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. «Олмос» студияси асосан мўсиқа, ахборотлар ва реклама таъйёрлайди.

ХАЙРИХОҲЛИК

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикасининг Олий Кенгашининг раиси И. Раҳмонов Украина президенти Л. Кравчуқдан мактуб олди.

Унда тожик-афрон чегарасида оғир вазиет содир бўлаётганлиги муносабати билан Украина чўқур ташвишланиётганлиги билдирилди. Мактубда Тожикистон худудий яхлитлигини ҳимоя этаётганлиги, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мўстаҳкамлаш йўлида хатти-ҳаракатига хайрихоҳлик кўрсатиши таъкидланган.

ВАТАНГА ҚАЙТИШМОҚДА

АЛМАТИ. Кейинги йилларда Монғолиядан ўза она ватанига қайтиб келган ўн миңлаб қозоқлар сағина яқин орада уларнинг Эрондаги ватандошлари қўшилган бўлдилар.

Булар асосан коллективлаштириш ва таланича таъйиб йилларда республикани тарқатган қишилларнинг болалари ва набибалари-дир. Эрондан Жанубий Қозоғистон вилоятига дастлабки 750 оила келиши қўтилмоқда. Уларни Олғабос, Сўзоқ ва Турнистон туманларида қўтиб олишга таъйёрларлик қўрилмоқда.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномалардан олинди).



ЭЛ ДУОСИ

Агар йўлингиз тушиб... Шайхонда бўлсангиз, Ҳамидхон ҳожи Кимсанов ҳақида илқ сўзларни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлардан эшитишнинг табиий. Чунки у одамни барча шахрихонликлар танийди, ҳурмат қилади. Шу боис уни ҳамини давраларнинг туринга тақдир этдилар. У кишининг кўнгли очиндиги, меҳри дарёлигига тақсирлар айтишди.

маҳсум дейишарди. Доимо эл-юртин дердилар. Ҳамидхон ҳожи Кимсановнинг туққиз фарзанди, ўттиз сақиз набираси, ўн тўрт эвараси бор. Лекин у кишини кўриб, етмишга кирган демайсан. Ишқилиб кўз тегмасин. Бундай узоқ вақт навқирон кўринишининг боиси бор албатта. Зеро, меҳрибон, оққўнғил турмуш ўртоғи Ширмонхон ая билан ярим аср аҳилликда турмуш кечирганининг ўзи унга мадор, куч-қувват бағишлади. Аяни пайта у маҳалла кўчтаси ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Энг ибратли томони шундаки, агар бирор ювор кимса бандаликин бажо келтиргудек бўлса, бундай пайтада шонли қолган оилаларга қўнлидан келганча барча ёрдамини аямай, мурувват қилишга ҳо-зиру ноҳир.

БУНЁДКОРЛАР ЎЧОҒИ

Элимизда қадимдан қадри баланд ҳунарлар кўп. Ана шу ҳунарлардан бири бинокорликдир. Ўзбекистонда кўп гул устлар тайёрлайдиган билим юртилардан бири — Тошкент курьили коллежидир. Ҳовлилари салқин, шаффоф фаворалар отилиб турган, ишқоллари узунларга тўла, хушманзара бу жой боғи-эранининг ўзи. Бунда — талабаларнинг дилкаш ўстози, тадбиркор ташкилотчи, коллеж директори Эрмат Абировнинг алоҳида ҳиссавлари бор.

1 мартдаги 306-Р рақамли ҳамда Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1991 йил 26 июлдаги 74-рақамли қарорларига биноан қурилиш техникуми коллежга айлантирилди. Коллежнинг кундузги ва сиртиги бўлимлари бўлиб 8 мутахассислик бўйича 1550 талаба таҳсил олади. Коллежда методик уюшма ўқув жараёнини мунтазам кузатиб боради. Уюшма аъзолари дарсларни таҳлил қилиш билан бир қаторда рус тилидаги дарсликларни ўзбек тилига таржима қилиш, ўзбекча дастурларни тайёрлаш, методик қўлланмалар яратиш борасида самарали иш олиб боришмоқда. Етақчи ўқитувчилардан И. Икхонсу ўнлаб қўлланма ва дастурлар яратди. Тажрибадан ва билимдан кеңсая ёш ўқитувчилар ҳам борки, уларнинг номлари фахр билан коллеж ҳурмат тахтасида ёзиб қўйилган. Михаил Тарновский, Нажмиддин Нурматов, Суръат Соҳибназаров, Гавҳар Турсунова, Лаврентий Пан, Асадулла Санаев, Қўлош Юсупов каби ўнлаб моҳир педагоглар шулар жумласидандир. Эрмат ака собиқ талабалар ҳақида гапирганда коллеж шу давргача Ватанимизга ўттиз беш минг нафар малакали мутахассис етказиб берганлигини алоҳида таъкидлади.

ИИБ ХАБАР ҚИЛАДИ

УЛФАТ КУЛФАТ КЕЛТИРДИ Андижон шаҳридаги Олтинкўл кўчасида яшовчи А. Ашуров Горький кўчасида истиқомат қилувчи таниш Х. Тожибоевнинг уйига келганда бийондек аҳволда эди. Бироқ мезбон билан улфатчилик қилиб қиттак-қиттак отишгач А. Ашуров маст бўлиб қолади. Шундан сўнг у жанжал кўтариб, Тожибоевни пичоқ билан яралади. Оғир тан жароҳати олган мезбон касалхонада вафот этди. Улфат хонадонига кулфат келтирган «меҳмон» устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. СУМКАДАГИ АВТОМАТ Самарқанд шаҳридаги ав-

товозларда шахсини аниқлаш мақсадида ушланган Тожикистон фуқароси М. Екубовнинг сумкасида 1315 рақамли АҚС-74 автомасти, 99 донга ўн 2 донга ўндон билан топилади. Терговни ИИБ ходимлари олиб боришяпти. Ш. РУЗИЕВ.

Едингиздами, Вильям Шекспирнинг бир фужисада шундай нукта бор: «Инсон шу еру осмон оралигида ўралашиб, нима қилиб юрибди ўзи?» деб сўрайди қаҳрамон. Чиндан ҳам инсон бу дунёда нима қилиб юрибди ўзи? Нега туғилади? Нега яшайди? Фақат бола-чака орттириш, иморат қуриш, мол-бисот йиғиш учунми? Йўқ, ёлғиз булар учунмас. Булмас нима учун? Бу — азалий савол. Бу ақли расо ҳар бир одамни ўйлантиради.

Ана шу саволга қадим боболаримиз, тасавуф олимлари жавоб беришган... Оламдан мақсад — одамдан мақсад — Худо, Худодан мақсад — камолот, камолотнинг эса чекагараси йўқ, деб таълим беришди улар... Мазноси шуки, инсон дунёга келибдими, ўзини, одамни, оламни танийди. Оламни таниган инсон эса яна олам соҳиби — ҳусни мулқ, меҳри мулқ Оллоҳга талинлади. Ҳусни мулқ, меҳри мулққа талинган инсон эса ҳамини, ҳусни, меҳри, ўқтам ва олийжаноб бўлади. Эки



Жамол КАМОЛ, Ўзбекистон халқ шоири.

МИЛЛАТНИНГ ШАРАФИ

бошқача айтганда чинакам камолот йўлига кирди. Камолот йўлига кирган инсон алал-оқибада мукаммал эот, инсонни камил бўлиб етишди... Хуллас, бундан шундай маъно келиб чиқадики, инсон бу дунёга инсонни камил бўлиш учун келаркан, инсонни камил бўлиш учун яшаркан. Инсонни камил бўлиш — унинг энг буюк инсоний бурчидир, азалий шарафидир... Ҳўш, инсоннинг шарафи-ку инсонни камил бўлиш экан, унда миллатнинг шарафи нима? Миллат бир тилда сўзлашувчи инсонларнинг жамулки, яқдлийги демак. Бас, унинг шарафи бошқа ердаси, худди шу нуқтада, яъни мукаммал миллат, миллати камил бўлиб етишувидир. Жаҳонга ноқис бўлиб келиб, нотомом ўтмак бизга, дунёга не-не алломаларни етказиб берган, аждоди буюк миллатимизга ярашмайдиган. Навоий бобомиз айтганларидек, дунёга келибмизми, камолот касб этмоқ вазирамиздир.

му алломаларни ўз тупроғида йиғишга интилади! Негаки, ақлдан ортқ бойлик йўқ. Биз ҳам ана шу қондага амел қилайлик. Олиму алломаларни, фикрловчи инсонларни бир даврага йиғайлик. Уларни қадрайлик. Уларга яхши шарт-шароитлар қилиб берайлик. Сўнг уларни улғу мақсадларга йўналтирайлик. Шунини унутмайлик, нодир бир истеъдод, етук бир ақл эгаси қайси бир вилоят, қайси минтақада етишмасин — бебаҳо миллий бойлигимиздир. Бу ерда анави фарғоналик, манави хоразмлик, манави эса тошкентлик ёки бухоролик, деган гаплар беҳуда... Буюк қисматимиз — Мустақиллигимизга муносиб кенг фикрли, юксак идрокли, баланд назарли инсонлар бўлайлик.

Камол эт касбни, олам уйдиди Сенга фаз ўлмағай гавноқ чимқоқ. Жаҳондан нотомом ўтмак инсонли Эрдур ҳоқмондин улоқ чимқоқ...

Миллати камил бўлиш дунёни беэади, оламга ярашади. Миллати камил бўлиш шу ёруғ дунёда еган тузимиз, яшаган умримиз, эгалаган ўрнимизни оқлайди. Миллати камил бўлиш — буюк вазирамиз, эзгу шарафимиздир. Ҳўш, бу шарафга нечук етамиз ва бу вазирамиз нечук адо етамиз! Гап ана шу хусусда.

Дардин дардмандан сўранг, бошдан ўтгандан сўранг, деган нақл бор эл орасида. Миллати камил бўлиш сабоғини миллати камиллардан оқлайлик, ўшалардан ўрганайлик. Дунёни тейратиб турган илгор, пешқадм миллатлар ана шу юксак маънавийлик нечук эришдилар, шу ҳақда бош қотрайлик.

Биринчи гаде шуни дадил туриб айтиш жоизки, дунёнинг илгор миллатлари бу юксак маънавийлик худбинлик, гуруҳбозлик, ҳар турли фикрат-нироқ воситасида эмас, Худонинг буюк неъматини бўлиши ақлга суяниб, ақли байроқ қилиб эришдилар. Ақл ҳўқиронлик қилолган юрда Қўлоқ чўмолидек ожиз Геракл — дейди Гафур Фулом. Яна шоиримиз дейдики: Жўлма маҳлиқот ҳам туғилиб мавжуд, Бемазун умрини яшар саргардон. Туғилиб ўстанинг шу олам овар Тафаккур ва шуур зақиддан маҳрум, Аграйиб яшамок даҳшат, беомон...

Демак, аввал нажот — Худо берган буюк мўъжиза Ақлга суяниб иш туттиш. Ақл бор жойда

Миллатни шарафлайдиган ақил ва аҳлиятдан кейинги фазилат—халопликдир. Ҳалол, пешона тери тўкиб, тиричилик қилиш — илгор, пешқадм, миллатлар учун ҳаёт тарзи, турмуш қондаси эканлигини унутмайлик.

Яқинда Москванинг «Новости» теледустури орқали гапоти бир хабар тарқатилди. Тажриба қилиб қўришди. Дунёнинг етти пойтахтида одамлар гавжум жойда бирвақал еттига жомадон кўйишди. Москва ва Киев шаҳарларида жомадонларни кўз очиб юмганча қилиб кеттишди. Парижда бу воқеа бир ярим соатдан сўнг содир бўлибди. Нью-Йорк ва Торонтода уларга биров қайрилиб ҳам қарамабди... Хорижлик бир ватандошларининг гувоҳлик беришича, Америкада баъзан ойлук маошлар, қимматбаҳо чек қозғоларини конвертларга солиб, эшик таги, остонага ташлаб кетиш одат эмиш... Ана ҳалоплиқ мана инсонларга ишонч... Бу гаплар бизга афсона бўлиб тулолади. Ҳолбуки биринчи гақидан тортишиб, ҳаромдан ҳазар деган тушунчалар минг йиллардан бери қонимизда яшайди. Энди ана шу қадриятларимизни тиклайлик, уларга ривож берайлик.

Ҳар гал ҳаромдан ҳазар, деганда беихтиёр «хороми» сўзи ҳам хотирга келади. Бу ўзи бор гапми ёки уйдирмами? Биз уни етмиш йил давомида негадир четга сўриб қўйдик, ишлатмадик, юмшоқ ва беозор «никоҳиз туғилган бола» деган ибора билан алмаштирдик. Энг аянчисини, никоҳиз туғилганлари қораламадик. Бунинг оқибати ўларок, бугун ўнлаб етмишоналарни минглаб никоҳиз туғилган норасидлар тўлдириб турибди. Уларнинг сафи, оқими ортиб бормоқда. Биз эса кеча-кундуз бошлариде парванамиз. Болаларимизга едирмай, ўшаларга едирмаиз, биринчи гада ўшаларни кийдиришимиз. Бу татти-ҳаракатимиз билан гўё «Келверинилар, туғарангилар, биз ўзимиз боқиб оламиз» дегандек бўламиз. Бунини яхши пайқанган суюқовқлар ҳар тарафдан ёпирилиб келишяпти... «Ўзбекистон бөлжон респ. тика, туғиб ташлайвер, ўзлари

боқиб олшадим» деган ақидга оғишмай амел қилишяпти. Тўғри болаларда гуноҳ йўқ... Гуноҳ — ҳалол йўл турганда ҳаром йўл таллаган бу-зук ота-оналарда. Аммо бу билан ҳақиқат ўзгариб қолмайди. Уша норасидлар, истаёмизини-истамизимиз, эртага ўсиб улғайиб, камиятимиз қаторига кирди, халқимиз сафига қўшилди... Шунини ўйласанг, одамнинг даҳшат босади... Хуллас, никоҳиз туғилганлари бутун дунё қоралаганда биз ҳам қоралайлик. Турли қоралар билан бу қабоҳатнинг йўлларига сад чекайлик. Халқимизнинг асл қони — генафонини асраб қолш ҳақда астойдил қайғурайлик. Менимча, ҳеч иккинланмасдан ҳар хил савё, нашаванд, ароқхўр, фоҳишалар билан шуғулланувчи, касби қори, қимлиги номаз-лум аёлларни таъқиқлаш даркор.

Мамлакатимизда ривожланаётган иллатлардан яна бири — кечирасиз-у итбозлик, итпастликдир. Ҳар эрталаб ёки оқшом Тошкент кўчалари, боғлари ва ҳўбонларига минглаб итларни сайрга олиб чиқишди. Шангар кўчалари бақисоли ит бозорига айланиб қолади. Аммо ўша жониворлар болаларнинг ўйнаши, катталарнинг бир нафас ҳордиқ, ҳаво олишига мўлжалланган боғчалар, майдончаларни аёвсиз булғашаётгани билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Қачон қутиламиз бу балодан! Туркманистонда ҳўкуматнинг битта қарори билан бу офатнинг дамини кесилишди...

Дунёни англаган, ақл-идроққа суяниб иш тутувчи, ҳаромдан ҳазар этувчи инсонларга етарлича эрқу ихтиёр ҳам бўлмоғи даркор. Бузиқ миллати камил бўлишига мушкул. Мен анвар-хия, бошбошдоқлик тарафдорин эмасман. Тартиб-интизом жорий қилинмаган, фуқароларни қонунга рияса етмайдиган мамлакатда тараққиёт бўлмаслигига ақлим етди. Гап бошқа ақда.

Инсонларга озад меҳнат қилиш, эркин ташаббускорлик кўрсатиш учун етарлича эрқу ихтиёр даркор. Озад меҳнат озад инсонни яратди. Қарам меҳнат қўллар, қарамларни етиштирди. Халқ орасида «Худоб, бандасига банд қилмай» деган дуо бор. «Худоб, ризқ-рўзимиз ёлғиз бир эшикка боғлаб қўйма!» деган тилка ҳам айланиб юради. Ҳўш, буларнинг маъноси нима?

Биз етмиш йил бандасига банд бўлиб яшадик. Катта-кичик «дохий»лар, амалдорларга сиғилдик. Нега? Негаки, ризқ-рўзимиз ёлғиз бир эшикка боғлаб қўйилган, эшикнинг қалити уларнинг изаму ихтиёрида эди. Улар ҳар ўн беш кун — бир ойда эшикни очиб, бир бурдан на узатишарди... Ҳамма нерса устидан давлат яқвоқимлиги жорий этилган жаҳияда бундан бошқача бўлиши ҳам мўмкин эмасди-да.

Энди манзара ўзгарди. Давлат мулки ёнда хусусий мулк ҳам бўй чўза бошлади. Хусусий мулк эгаси бўлиши инсон шакллана бошлади. Хусусий мулк эгаси бўлиши инсон қачон бир бурдан на чикарини, деб эшикка мўлтираб, кўз тикиб турмайди. Хуллас, бугун инсонларга хусусий мулк, хусусий мулк билан эса чинакам иқтисодий озадлик қайтапти. Бу—хайрли ва улғу жараён. Аммо ана шу жараёнга ҳалал бераётганлар, билибми-билимай унга тўғаноқ бўлаётганлар бизда оз эмас.

Яқинда ҳўкумат доирасида кенг гап бир йиғинда Президентимиз кўйиб-пишиб гапирди. Сирдарё вилоятида фермер ҳўжаликларнинг қамалиб кетганини бор овоз билан айтди... Залда ўтиргиларнинг айрилларини ойна жаҳон орқали кузатиб, ўйлади: нега улар ўртанишмайди? Нега паровий палак ўтиришди... Менимча, бунинг жидаий сабаблари бор. Бу биринчи гада умумхалқ олдига масъулият ҳисси заифлигиди. Миллатнинг равнақини эмас, ўз курсисини ўйлашди. Уларга кунини тинч ўт-са, бўлди. Ортикча гавагининг қерағи йўқ.

Викдонинг қайнайдиган, ахир Президент халқ, миллат дардини айтиб, кўйиб-пишди, айрим лоқайдлар эса қоринни қучоқлаб, мудраб ўтирди... Мана, экидаят қавради! Энди шундай халқ бир савол туғилди: Президентни сайлаганда халқ ҳақлигини ҳаёт ўзи кўрсатди, ҳўш, ҳоқимларини-чи... Бундан чиқадиган хулоса шуки, кўпроқ халқ манфаатларини ўйлаб иш тутадиган, иқтисодий, демократик ислохотларни сусткашли биланмас, суръат ва шиддат билан олга босадирган ҳоқимларга умумхалқ ишига қамарбаста бўла олади.

Тақдор айтаманки, озад меҳнат қилиш истағи, эркин тадбиркорлик руҳи, ташаббускорлик туғи-сини ўстириш учун одамларга етарлича эрқу ихтиёр даркор. Ил бўйи маънавиятлик меҳнати билан пахта, пилла етиштириб, режадан ортан ҳосилини сотиш учун иқозатнома ололмай, идора-идора эрқу югуриб, сарсон-саргардон бўлиб юрганларни қўрдим. Уларнинг ҳолига боқиб, ачиндим... Одамларни ҳалол ва баракали меҳнат қилишдан беэдримайлик, уларнинг руҳини сўндирайлик, ҳафсаласини пир етмайлик, дей-ман. Зеро, ўз миллий мустақил давлатига тоғдек таянчим, деб қараб, ҳар соат, ҳар дақиқада ҳалол меҳнат заки, иқдорлик, тадбиркорлик руҳи билан ёнган миллат шарафлидир. У тиним-сиз олган босаркан, бир кунмас-бир кун дунёнинг олдига сафларига чиқиб, «миллати қомил» деган шарафли номга мушарраф бўлади.

Тағри ўша кўнарларга етказсин...

АСАЛАРИЧИЛИКНИ ЎРГАНИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 19-СОН ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1993—1994 ўқув йили учун 11-синфни битирган ёки 30 дан ошмаган йигит ва қизларни АСАЛАРИЧИ-ДУРАДГОР МУТАХАССИСЛИГИ БУЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқини муддат — 1 йил. Ўқини ДАВРИ ЎЗЛУКСИЗ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИГА КИРАДИ. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқу юртиларига кириш учун йўл-нама берилади. Улар олийоғда конкурсиз қабул қилинади. Ўқувчилар стипендия, турт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош талабалик гувоҳнома билан таъминланадилар. 1994 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш амалиётига юбориладилар. Жамоа ҳўжаликлари ва давлат ҳўжаликларидан йўл-нама билан келганлар ва жоғларига ишлаб чиқариш амалиётига ҳамда ўқини тугатганларидан сўнг ишга юбориладилар. Ўқувчилар амалиёт даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар. Ўқини ВИТИРГАНДАН СЎНГ ИХТИСОСЛИК БУЙИЧА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ. Ўқини қирувчилар билан 1993 йил 31 август кунини сўхбат ўтказилади. Ўқини 1993 йил 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. Билим юртига кириш учун қўнйидаги ҳўжжатлар топширилади: билим юрти раҳбари номига арза, таржиман ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тавсифнома, турар жойдан маълумотнома, 3х4 см. катталикидаги 6 донга сурат, тиббий маълумотнома (086/У андозада), ҳўжаликлдан йўл-нама. ҲўЖНАТЛАР 30 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, М. Абдураҳмонов номи жамоа ҳўжалиги, 2-бўлим, 19-сон ХТБО (Билим юртига келиш учун «Чор-су» метросининг автостанциясидан 466 ва «Тошкент—Қўлтепа» автобусига чиқиб, 19-билим юрти бекатига келинади). Телефон 56-689.

1993 йил 13 августдан 22 августгача «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» РЕСПУБЛИКА САВДО-ҚўРГАЗМА МАРКАЗИ 5-павилонда (СОБИҚ ВДНХ) 40 етачки фирмаларнинг 1-Тошкент савдо-саноат КўРГАЗМАСИ БУЛИБ УТАДИ Иш соатлари: — 10.00 дан 18.00 гача. МАНЗИЛИМИЗ: Амир Темур кўчаси, 107-уй. Тошкент Давлат педагогика олийтоҳи томонидан 1989 йилда Забарзхон Азизова НАСРИДИНОВА номига берилган РВ №873328 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЯ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ Манзилимиз: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ. Бош муҳаррир Азим СУЮН.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14. Иқтисодий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16. Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15. Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20. Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16 «Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70. Котибхона — 33-72-83, 32-53-06. Эълон ва билдирувлар — 32-54-12. Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35. Кабулхона — 32-55-15. ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Нукусда — 2-42-62; Навбатчи муҳаррир: Ҳ. ИКРОМОВ. Навбатчи: Д. ҚИРГИЗБОЕВ.